

**ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ**  
**№ 6/2022**

2022 йил 15 ноябрь

Кўнғирот тумани.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **“Кўнғирот сода заводи” МЧЖ ҚҚ** номидан Устав асосида иш юритувчи бош директори **Ж.И. Мустафаев** бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **«JAVOXIR QURUVCHI TRESTI» МЧЖ** номидан Устав асосида иш кўрувчи корхона раҳбари Э. Бабаниязов **Қароқолпогистон Республикаси, Кўнғирот тумани, Елабад ПФЙ** ҳудудида **“Янги Ўзбекистон” массивини қуриш лойихасига асосан ички комуникация тармоқларини тортиш** объекти бўйича ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини тузиб имзоладилар.

**I. Шартнома мавзуси**

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига кўра лойиҳада кўзда тутилган **Қароқолпогистон Республикаси, Кўнғирот тумани, Елабад ПФЙ** ҳудудида **“Янги Ўзбекистон” массивини қуриш лойихасига асосан ички комуникация тармоқларини тортиш** объекти бўйича ишларини бажариш мажбуриятини олади. **Буюртмачи** эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур бўлган шароитларни яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**II. Шартнома бўйича ишлар қиймати**

2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, E-tender.uzex.uz сайтида 165888-сонли енг яхши таклифни танлаш учун харидлар комиссиясининг протоколига асосан ғолиб бўлган **«JAVOXIR QURUVCHI TRESTI» МЧЖ** билан барча солиқларни инобатга олган ҳолда объект қиймати **6 595 498 405** (Олти миллиард беш юз тўқсан беш миллион тўрт юз тўқсан саккиз минг тўрт юз беш) сўм.

2.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлгандан;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда шартнома қийматининг 10 фоизидан ошмаган ҳолда.

2.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, сағаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

**III. Пудратчининг мажбуриятлари**

3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг I бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартларига мувофиқ топшириш;

қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили, маҳсус ишлар учун лицензиясини текшириб кўриб чиқиб булар тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника ҳавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт-воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдони қўриклинишини таъминлаш;  
мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

#### **IV. Буюртмачининг мажбуриятлари**

##### **4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:**

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага 1-иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 3-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

#### **V. Ишларни бажариш муддатлари**

5.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 февралдаги 16 сонли баёнининг бажарилишини таъминлаш бўйича “Кўнғирот сода заводи” МЧЖ ҚҚ умумий ийғилиш баёнига асосан объектни фойдаланишга топшириш муддати 50 кун.

5.2. Мазкур шартнома бўйича ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

#### **VI. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар**

6.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий-жорий қийматининг 15/15 фоизи (30%): - 1 978 649 522 (бир миллиард тўққиз юз етми саккиз миллион олти юз қирқ тўққиз минг беш юз йигирма икки) сўм микдорида аванс тўлайди.

6.2. Буюртмачи томонидан Пудратчига жорий молиялаштириш учун ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвали асос ҳисобланади.

6.3. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ, инвестор томонидан маблағ билан таъминлагандан сўнг объектнинг умумий, шартномавий - жорий қийматининг 90 фоизи доирасида амалга оширилиши кўзда тутилиб, шундан 5 фоизи объектни белгиланган тартибда фойдаланишга топширилгандан сунг, қабул қилиш-топшириш далолатномалари имзоланиб буюртмачига топширилигандан сўнг амалга оширилади.

6.4. Мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддати тамом бўлгандан сўнг 12 ой, қолган 5 фоизли кафолат қийматини молиялаштириб берилishi хакида далолатнома ёки розилик хати тақдим этилганда объект шартномавий жорий қийматининг қолган 5 фоизи молия тугагунга қадар тўлаб берилади.

6.5. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида саклаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

6.6. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда

бекор қилиш хуқукига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тұлашдан озод қилинмайды.

## **VII. Ишларни бажариш**

7.1. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник аудиторни тайинлайды, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

7.2. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан түсіккіз танишиш хуқукига эгадир.

7.3. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайды. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда қатнашади.

7.4. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг V бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

7.5. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

7.6. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

7.7. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

7.8. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдифисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишига, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишлиарни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганligини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## **VIII. Ишларни қўриқлаш**

8.1. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

8.2. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## **IX. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

9.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

9.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиласидилар.

9.3. Агар томонлар икки ой ичиде келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **Х. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш**

10.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

10.2. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёргалиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

10.3. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг IV бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

10.4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## **XI. Кафолатлар**

### **11.1. Пудратчи:**

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа хужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа хужжатларига кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишини;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

11.2. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида **12 ой** этиб белгиланади. Объектнинг кафолатли муддати камида **12 ой** этиб белгиланади.

11.2. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VI бўлимидаги назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш хуқуқига эга.

## **XII. Шартномани бекор қилиш**

12.1. Буюртмачи куйидаги холларда шартномани бир томонлама тартибда, Пудратчини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бекор қилиш хуқуқига эга:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда.

Бундан ташкари Буюртмачи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

#### 12.2. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

12.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

12.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

12.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

12.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### XIII. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

13.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган заарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

13.2. Мазкур шартнома мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,1 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечикирилган тўлов суммасининг **20 фоизидан** ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

13.3. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлапдан асоссиз равища бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг **5 фоизи** миқдорида жарима тўлайди.

13.4. Пудратчи обьектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0,1 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг **20 фоизидан** ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **0,5 фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **50 фоизидан** ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

13.5. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди.

### XIV. Низоларни ҳал этиш тартиби

14.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун

хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар жойлашган манзил бўйича иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

#### XV. Алоҳида шартлар

15.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

15.2. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

15.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

15.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

15.5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечикиришга хақлидир.

15.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

15.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

#### XVI. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

Буюртмачи

Пудратчи

«Кўнғирот сода заводи» МЧЖ ҚҚ  
Кароқолпогистон Республикаси  
Кўнғирот тумани пос. Елабат.  
Х/р. 2021 0000 0005 3833 4001  
ТОШКЕНТ Ш.,  
"УЗСАНОАТКУРИЛИШБАНКИ"  
АТБ БОШ ОФИСИ  
ИНН 200 949 269, МФО 00440.



«JAVOXIR QURUVCHI TRESTI» МЧЖ  
Манзил: Кароқолпогистон Республикаси  
Нукус шахри, Қизкетген елати кўчаси,  
рақамсиз уй.

Банк номи: АТ "Миллий банк"  
Нукус филиали  
х.р.: 2020 8000 9039 8436 2001  
ИНН: 202 775 421, МФО 00582



Мустафаев  
Орас  
Бабаниязов  
Гуломов  
А.Саидов

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 165888 на приобретение Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани “Елабад” посёлкаси “Янги Ўзбекистон” массивини қуриш лойихасига асосан ички коммуникация тармоқларини тортиш ишлари буйича**

Способ проведения электронный

Дата 14.11.2022

Время рассмотрения 14.11.2022 10:27

Закупочная комиссия , (Далее – Комиссия) в составе:

|                              |  |  |  |
|------------------------------|--|--|--|
| <b>Член комиссии</b>         | Rourov Mansur Toxir o'g'li                 | Начальник Комплаенс  | СП ООО<br>"Кунградский<br>судовой завод" |
| <b>Член комиссии</b>         | ЖИЕМУРАТОВ ПОЛАТ<br>КЫДЫРБАЕВИЧ            | Начальник ПЭО  | ООО<br>"Кунградский<br>судовой завод"    |
| <b>Член комиссии</b>         | Арзузов Мауленберген                       | Главный бухгалтер  | ООО<br>"Кунградский<br>судовой завод"    |
| <b>Член комиссии</b>         | Джуманиязов Бахадыр<br>Шамуратович         | Начальник<br>финансового отдела                                    | СП ООО<br>Кунградский<br>судовой завод   |
| <b>Член комиссии</b>         | TURG'ANOV<br>ONG'ARBAY<br>GULMURATOVICH    | Начальник<br>юридического бюро                                     | СП ООО<br>"Кунградский<br>судовой завод" |
| <b>Председатель комиссии</b> | MUSTAFAYEV<br>JAXONGIR<br>IBODULLAYEVICH   | Генеральный директор   | СП ООО<br>Кунградский<br>судовой завод   |
| <b>Секретарь комиссии</b>    | KUANDIKOV DAVRON<br>KURALOVICH             | Инженер по<br>комплектации<br>оборудования и<br>материалов         | СП ООО<br>Кунградский<br>судовой завод   |
| <b>Член комиссии</b>         | HAMIDOV MIRZOHID<br>NARZULLAYEVICH         | Инженер ОМТС   | СП ООО<br>Кунградский<br>судовой завод   |
| <b>Член комиссии</b>         | SHAMURATOV<br>SHUXRATJAN<br>TOREMURATOVICH | Директор по<br>производству -<br>главный инженер                   | ООО<br>"Кунградский<br>судовой завод"    |
| <b>Член комиссии</b>         | САИДОВ АЗИЗХОН<br>КАХРАМОНОВИЧ             | Заместитель<br>генерального<br>директора по<br>финансовым вопросам | СП ООО<br>Кунградский<br>судовой завод   |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 14.11.2022 года № лота 165888.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 1

Предмет закупки:

|   |   |
|---|---|
| <b>Наименование товара<br/>(работы, услуги)</b> | <b>Услуги по благоустройству территории</b>                     |
| Подробное описание                              | Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот тумани “Елабад” посёлкаси |

|                                 |   |
|---------------------------------|---|
|                                 | "Янги Ўзбекистон" массивини қуриш лойихасига асосан ички коммуникация тармоқларини тортиш ишлари буйича |
| Количество товара               | 1.00  |
| Единица измерения               |   |
| Цена товара (услуги) за единицу | 6942 629 900.00   |
| Стартовая сумма                 | 6942 629 900.00   |
| Валюта                          | UZS   |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 умумий маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Оферент ҳақида умумий маълумотлар

Обязательность: Критично

| Наименование участника                    | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| "IQBOL-DILMUROD" MCHJ                     | 10        | 1                  | 5              | Экспертная |            |         |
| "AMUDARYO XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI" MCHJ | 10        | 1. умумий маълумот | 5              | Экспертная |            |         |
| HAVAND-BEGZAD-KUNGRAD ЖШЖ                 | 10        | 10                 | 5              | Экспертная |            |         |
| СУРГУТ НЕФТСТРОЙ Х.К.                     | 10        | умумий маълумот    | 5              | Экспертная |            |         |
| ЖШЖ JAVOHIR QURUVCHI TRESTI               | 10        | 13                 | 5              | Экспертная |            |         |

Критерий №2 Охирги баҳоланган смета кисмини жойлаштириш

Тип: Текстовое значение

Описание: Охирги баҳоланган смета кисмини жойлаштириш

Обязательность: Критично

| Наименование участника                    | Макс балл | Значение участника                             | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|-----------|--|----------------|------------|------------|---------|
| "IQBOL-DILMUROD" MCHJ                     | 10        | 1  | 6              | Экспертная |            |         |
| "AMUDARYO XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI" MCHJ | 10        | 9. Охирги баҳоланган смета кисмини жойлаштириш | 7              | Экспертная |            |         |
| HAVAND-BEGZAD-KUNGRAD ЖШЖ                 | 10        | 10   | 9              | Экспертная |            |         |
| СУРГУТ НЕФТСТРОЙ Х.К.                     | 10        | Нарх таклифи                                   | 8              | Экспертная |            |         |
| ЖШЖ JAVOHIR QURUVCHI TRESTI               | 10        | 1  | 10             | Экспертная |            |         |

Критерий №3 Газ қувири ва Электроенергия линияларини тортиш буйича лицензия нускаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Газ қувири ва Электроенергия линияларини тортиш буйича лицензия нускаси

Обязательность: Критично

| Наименование участника                    | Макс балл | Значение участника   | Балл участника | Тип оценки | Примечание        | Причина                                     |
|---|-----------|--|----------------|------------|-------------------|---|
| "IQBOL-DILMUROD" MCHJ                     | 10        | 1  | 0              | Экспертная | Дисквалифицирован | Талаб бажарилмаган бошка маълумот юкланган! |
| "AMUDARYO XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI" MCHJ | 10        | 8. Газ қувири ва Электроенергия линияларини тортиш буйича лицензия нускаси | 7              | Экспертная |                   |   |
| HAVAND-BEGZAD-KUNGRAD ЖШЖ                 | 10        | 10   | 5              | Экспертная |                   |   |
| СУРГУТ НЕФТСТРОЙ Х.К.                     | 10        | Сертификатлар  | 5              | Экспертная |                   |   |
| ЖШЖ JAVOHIR QURUVCHI TRESTI               | 10        | 18   | 5              | Экспертная |                   |   |

Критерий №4 Оферент танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш обьектни қуриш (реконструкция қилиш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган шартномалар (объектлар) ҳақида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Оферент танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш обьектни қуриш (реконструкция қилиш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган шартномалар (объектлар) ҳақида маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника                    | Макс балл | Значение участника   | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|-----------|--|----------------|------------|------------|---------|
| "IQBOL-DILMUROD" MCHJ                     | 10        | 1  | 5              | Экспертная |            |         |
| "AMUDARYO XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI" MCHJ | 10        | 7. Оферент танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш обьектни қуриш (реконструкция қилиш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган шартномалар (объектлар) ҳақида маълумот | 10             | Экспертная |            |         |
| HAVAND-                                   | 10        | 10   | 5              | Экспертная |            |         |

| Наименование участника      | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|-----------------------------|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| BEGZAD-KUNGRAD ЖШЖ          |           |                    |                |            |            |         |
| СУРГУТ НЕФТСТРОЙ Х.К.       | 10        | маълумотнома       | 10             | Экспертная |            |         |
| ЖШЖ JAVOHIR QURUVCHI TRESTI | 10        | 55                 | 10             | Экспертная |            |         |

Критерий №5 Керакли айланма маблағлари, банк кафиллиги ёки оферентга хизмат килувчи банк томонидан тасдиқланган объектнинг бошланғич қийматининг 20%дан кам бўлмаган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Керакли айланма маблағларни (буюртмачи белгилаган объектнинг бошланғич қийматидан 20% га етмаётган) тақдим этиш ҳақидаги банк кафиллиги ёки оферентга хизмат килувчи банк томонидан тасдиқланган объектнинг бошланғич қийматининг 20%дан кам бўлмаган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома

Обязательность: Критично

| Наименование участника                    | Макс балл | Значение участника   | Балл участника | Тип оценки | Примечание        | Причина  |
|---|-----------|--|----------------|------------|-------------------|--|
| "IQBOL-DILMUROD" MCHJ                     | 10        | 1  | 0              | Экспертная | Дисквалифицирован | Корхона айланма маблаглари тугрисидаги маълумот банк тамонидан тасдиқланмаган! |
| "AMUDARYO XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI" MCHJ | 10        | б. Керакли айланма маблағлари, банк кафиллиги ёки оферентга хизмат килувчи банк томонидан тасдиқланган объектнинг бошланғич қийматининг 20%дан кам бўлмаган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома | 5              | Экспертная |                   |  |
| HAVAND-BEGZAD-KUNGRAD ЖШЖ                 | 10        | 10   | 1              | Экспертная |                   |  |
| СУРГУТ НЕФТСТРОЙ Х.К.                     | 10        | Банк маълумотномаси  | 5              | Экспертная |                   |  |
| ЖШЖ JAVOHIR                               | 10        | 3  | 5              | Экспертная |                   |  |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|------------------------|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| <b>QURUVCHI TRESTI</b> |           |                    |                |            |            |         |

Критерий №6 Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртacha сони бўйича кўрсаткичлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртacha сони бўйича кўрсаткичлар

Обязательность: Критично

| Наименование участника                    | Макс балл | Значение участника  | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|-----------|---|----------------|------------|------------|---------|
| "IQBOL-DILMUROD" MCHJ                     | 10        | 1   | 8              | Экспертная |            |         |
| "AMUDARYO XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI" MCHJ | 10        | 5. Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртacha сони бўйича кўрсаткичлар | 8              | Экспертная |            |         |
| HAVAND-BEGZAD-KUNGRAD ЖШЖ                 | 10        | 10  | 8              | Экспертная |            |         |
| СУРГУТ НЕФТСТРОЙ Х.К.                     | 10        | Ишчи хизматчилар хакида маълумот  | 10             | Экспертная |            |         |
| ЖШЖ ЯВОHIR QURUVCHI TRESTI                | 10        | 3   | 10             | Экспертная |            |         |

Критерий №7 Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси

Обязательность: Критично

| Наименование участника                    | Макс балл | Значение участника  | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|-----------|---|----------------|------------|------------|---------|
| "IQBOL-DILMUROD" MCHJ                     | 10        | 1   | 8              | Экспертная |            |         |
| "AMUDARYO XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI" MCHJ | 10        | 4. Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси | 9              | Экспертная |            |         |
| HAVAND-BEGZAD-KUNGRAD ЖШЖ                 | 10        | 10  | 7              | Экспертная |            |         |
| СУРГУТ НЕФТСТРОЙ Х.К.                     | 10        | Бажарилган ишлар тугрисида маълумот                                   | 6              | Экспертная |            |         |
| ЖШЖ ЯВОHIR QURUVCHI TRESTI                | 10        | 95  | 10             | Экспертная |            |         |

Критерий №8 Танлов иштирокчисининг салохияти тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг салохияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника                    | Макс балл | Значение участника                                     | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|-----------|--|----------------|------------|------------|---------|
| "IQBOL-DILMUROD" MCHJ                     | 10        | 1  | 5              | Экспертная |            |         |
| "AMUDARYO XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI" MCHJ | 10        | 3. Танлов иштирокчисининг салохияти тўғрисида маълумот | 5              | Экспертная |            |         |
| HAVAND-BEGZAD-KUNGRAD ЖШЖ                 | 10        | 10   | 5              | Экспертная |            |         |
| СУРГУТ НЕФТСТРОЙ Х.К.                     | 10        | Банк маълумотномаси                                    | 5              | Экспертная |            |         |
| ЖШЖ ЯВОНИР QURUVCHI TRESTI                | 10        | 3  | 5              | Экспертная |            |         |

Критерий №9 Оферент охирги уч йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлар, аудитор компаниясининг хulosаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаси билан)

Тип: Текстовое значение

Описание: Оферент охирги уч йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлар, аудитор компаниясининг хulosаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаси билан)

Обязательность: Критично

| Наименование участника                    | Макс балл | Значение участника   | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|-----------|--|----------------|------------|------------|---------|
| "IQBOL-DILMUROD" MCHJ                     | 10        | 1  | 5              | Экспертная |            |         |
| "AMUDARYO XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI" MCHJ | 10        | 2. Оферент охирги уч йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлар, аудитор компаниясининг хulosаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаси билан) | 5              | Экспертная |            |         |
| HAVAND-BEGZAD-KUNGRAD ЖШЖ                 | 10        | 10   | 10             | Экспертная |            |         |
| СУРГУТ НЕФТСТРОЙ Х.К.                     | 10        | Аудит хulosаси   | 10             | Экспертная |            |         |

| Наименование участника             | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|------------------------------------|-----------|--------------------|----------------|------------|------------|---------|
| <b>ЖШЖ JAVOHIR QURUVCHI TRESTI</b> | 10        | 15                 | 10             | Экспертная |            |         |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника                    | Стартовая сумма  | Предлагаемая сумма   | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения    | Оценка стоимости (балл) |
|---|------------------|----------------------|----------------------------------|------------------------|----------------------|---------------------|-------------------------|
| "AMUDARYO XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI" MCHJ | 6 942 629 900.00 | 6 870 000 000.00 UZS | 6 870 000 000.00                 | 00.00                  | 6 870 000 000.00     | 08.11.2022 16:50:32 | 28.8013                 |
| СУРГУТ НЕФТСТРОЙ Х.К.                     | 6 942 629 900.00 | 6 803 777 300.00 UZS | 6 803 777 300.00                 | 00.00                  | 6 803 777 300.00     | 09.11.2022 14:30:55 | 29.08163                |
| ЖШЖ JAVOHIR QURUVCHI TRESTI               | 6 942 629 900.00 | 6 595 498 405.00 UZS | 6 595 498 405.00                 | 00.00                  | 6 595 498 405.00     | 09.11.2022 15:10:21 | 30                      |
| HAVAND-BEGZAD-KUNGRAD ЖШЖ                 | 6 942 629 900.00 | 6 613 577 381.00 UZS | 6 613 577 381.00                 | 00.00                  | 6 613 577 381.00     | 09.11.2022 11:19:09 | 29.91799                |

#### **Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей**

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника                    | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---------------------------------|--------------------------------|---------------|
| "AMUDARYO XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI" MCHJ | 47.4446                         | 28.8013                        | 76.2459       |
| СУРГУТ НЕФТСТРОЙ Х.К.                     | 49.7777                         | 29.08163                       | 78.85933      |
| ЖШЖ JAVOHIR QURUVCHI TRESTI               | 54.4446                         | 30                             | 84.4446       |
| HAVAND-BEGZAD-KUNGRAD ЖШЖ                 | 42.7777                         | 29.91799                       | 72.69569      |
| "IQBOL-DILMUROD" MCHJ                     | Не прошел                       | Не прошел                      | Не прошел     |

Закупочная комиссия по отбору лучшего предложения лот № 165888 от 14.11.2022 года на приобретение Қорақалпоғистон Республикаси Кўнгирот тумани "Елабад" посёлкаси "Янги Ўзбекистон" массивини қуриш лойихасига асосан ички коммуникация тармоқларини тортиш ишлари буйича определила победителем:

ЖШЖ JAVOHIR QURUVCHI TRESTI  
202775421

и резервный исполнитель: СУРГУТ НЕФТСТРОЙ Х.К. (301186622)

Проголосовали

| Комиссия                     | Ф.И.О.                               | Голосование | Комментарии |
|------------------------------|--------------------------------------|-------------|-------------|
| <b>Председатель комиссии</b> | MUSTAFAYEV JAXONGIR IBODULLAYEVICH   | Согласен    |             |
| <b>Член комиссии</b>         | HAMIDOV MIRZOHID NARZULLAYEVICH      | Согласен    |             |
| <b>Член комиссии</b>         | SHAMURATOV SHUXRATJAN TOREMURATOVICH | Согласен    |             |
| <b>Член комиссии</b>         | ЖИЕМУРАТОВ ПОЛАТ КЫДЫРБАЕВИЧ         | Согласен    |             |
| <b>Член комиссии</b>         | Арзувов Мауленберген                 | Согласен    |             |
| <b>Член комиссии</b>         | Джуманиязов Бахадыр Шамуратович      | Согласен    |             |
| <b>Член комиссии</b>         | TURG'ANOV ONG'ARBAY GULMURATOVICH    | Согласен    |             |
| <b>Член комиссии</b>         | Rourov Mansur Toxir o'g'li           | Согласен    |             |
| <b>Член комиссии</b>         | САИДОВ АЗИЗХОН КАХРАМОНОВИЧ          | Согласен    |             |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП